**ЛОЙИҲА –СМЕТА , ( ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 51074**

ФАРҒОНА ШАҲРИ 2022 ЙИЛ " 02 " НОЯБРЬ

Кейинги ўринларда **«Буюртмачи»** деб юритиладиган Фарғона вилоят ҳокимлиги "**Фаргона вилояти ИИБ Тиббиёт булими** номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи бош муҳандис Ш.Бахромов бир томондан, кейинги ўринларда **«Пудратчи»** деб юритиладиган **«BRIGHT GRAPHICS»** масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Д.Салимов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКсининг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01 ) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

## 1.Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **"Фаргона вилояти ИИБ Тиббиёт булимига карашли Шохимардон согломлаштириш даволаш маскани биносида " жорий таъмирлаш ишларига** объектига Смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 2.Шартнома буйича ишлар киймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар киймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда (ҚҚС билан) **34 900 000 (Уттиз турт миллион туккиз юз минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар **2022 йил " 31 " декабргача** буюртмачига тўлик топрширилади

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно: -енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4.Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## 3.Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва-барча ишларни тўлик ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан тасдиқланган ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

## 4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

## 5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1.Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарори 1-1-бандига асосан Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади,

5.2.Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилгандан сўнг, молия йили тугамасдан объект умумий шартномавий қиймати доирасида амалга оширилади.

5.3.Пудратчи бажарган ишларга мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилгунга қадар тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

## 6.Ишларни бажариш

6.1.Пудратчи лойиҳа-СНИП ишларига лойиҳа бош муҳандисни тайинлайди.Бош муҳандис лойиҳа-смета ҳужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат қилади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва

бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради.Лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда, асосли ҳамда сифатли қилиб Буюртмачига топширади.

**7.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

7.1.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

**8. Кафолатлар**

8.1.Пудратчи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиҳа-смета ҳужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди;

**9.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

9.1.Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

9.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур буйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

9.3. Пудратчи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиҳа-смета ҳужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар:

-қурилиш-таъмирлаш ишларини тўхтаб қолиши оқибатида, объект белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмаганда, ишларни сифатсиз бажарилишига тасъир қилган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар ҳисобланади ва мазкур ҳолат билан боғлиқ зарар тулиғича Пудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

9.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хулосаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хуқуқига эга.

9.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

9.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

9.7.Компания бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ҳисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

9.8.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор булади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

9.9. Ушбу шартнома уч нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, вилоят Ғазначилик бошқармасида белгиланган тартибда руйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади

**10.Низоларни ҳал қилиш**

10.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фағона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

**11.Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар**

11.1.Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳаттиҳаракатларни амалга оширимаслик;

-шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

**12.Шартномани бекор қилиш**

12.1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

12.2.Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат унитар корхонасининг Техник топшириқнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

12.3.Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

12.4.Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади.

12.5.Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

**11.Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:**

**«Буюртмачи»**

**Фарғона вилояти ИИБ**

**Манзил:** Фарғона ш. А.Навоий 13
**Тел./факс:** 73-244-16-41
**ШХР:** 40101086030401703110117800 4
**Ташкилотнинг СТИРи:** 201152350
**ИФУТ:** ________
Фаргона вилояти буйича Ғазначилик бошқармаси
**ЯГХ:** 23 402 000 300 100 001 010
**Банк номи:** Марказий банкнинг Тошкент шахар Бош бошкармаси Хисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)
**МФО:** 00014 **Газначилик булинмасининг**
**СТИРи:** 201 122 919

**Директор**________

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI FARG'ONA VILOYATI IIB MOLIYA VA MODDIY TEXNIKA TA'MINOTI BOSHQARMASI

**«Лойихачи»**

**ООО « BRIGHT GRAPHICS »**

**Манзил:** Фаргона шахар П.Махмуд 25-уй
**х.р.:** 2020 8000 7005 7617 6001

**Банк:** АКБ «Хамкор Банк» Истикбол филиали

**МФО:** 00 965 **ИНН:** 303 727 397 **ОКЭД** 71110

**Тел:** (99890) 301-25-25 **Факс** ________________

**Директор:** ________________ **Д.Салимов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR YASHNOBOD TUMANI MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI BRIGHT GRAPHICS

FARG'ONA VILOYAT IIB TASHKILIY BOSHQARMA
YURIDIK TA'MINLASH BO'LIMI
HUQUQIY EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI
01. 11. 2022 y.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Йиғилиш хайаъти раиси - Фарғона вилояти ИИБ М ва МТТБ бошлиғи подполковник
______________ С.А.Хасанов
«31» 10 2022 йил

**308 - сонли БАЁННОМАСИ**

«31» 10 2022 й Фаргона ш

**Йиғилиш иштирокчилари**

**Фарғона вилоят ИИБ МТХ бошлиғи ўринбосари, МТ ва ХТБ бошлиғи, ЮТБ юристконсульти, АТА ва АҲБ бошлиғи, КБТХ ТШИГ бош инспектори, МТ ва ХТБ КБ бўлинма командири маъсул ходимлар жами 7 нафар**

**Кун тартибидаги масала:**

**Фарғона вилояти ИИБ Тиббиёт бўлимига қарашли Шохимардон соғломлаштириш даволаш маскани биносида жорий таъмирлаш ишларига ПСД хужжатини тайёрлатиш тўғрисида.**

Йиғилишда раислик этувчи: Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси М ва МТТБ бошлиғи подполковник С.А.Хасанов йиғилишни қисқа кириш сўзи билан очиб, тезкор йиғилиш муҳокамаси кун тартибига қўйилган масала билан йиғилиш қатнашчиларни таништирди.

Масала юзасидан сўзга чиққан Бошқарма МТ ва ХХ бошлиғи полковник А.Ғоибназаров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли фармонига мувофиқ хамда қўйилган вазифаларни самарали бажаришни амалга ошириш борасида ходимларга қулай шарт шароитлар яратиш. Фарғона вилояти ИИБ Тиббиёт бўлимига қарашли Шохимардон соғломлаштириш даволаш маскани биносида жорий таъмирлаш ишларига ПСД хужжатини тайёрлатиш тўғрисида кераклиги хақида таъкидлаб ўтди.

Сўзга чиққан вилоят ИИБ МТХ бошлиғи подполковник Д.М.Мадалиев, ушбу хужжатларни таъминлаб бериш борасида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 10 феврал куни ўтказилган йиғилишининг 69-сон баёнинига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 27 сентябрьдаги ПҚ-3953-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, харид комиссиялари томонидан баҳоланадиган энг яхши таклифларни саралаб олиш йўли билан давлат харидларини амалга ошириш соҳасини вақтинчалик тартибга солиш баёнига мувофиқ, шартнома қийматини БХМнинг 25 бараваридан юқори бўлган суммалар **https://etender.uzex.uz** сайтининг энг яхши

таклифларни танлаб олиш пункти орқали жойлаштирилди. Жойлаштирилган **166258** лот рақами орқали қуйидаги таклифлар келиб тушган.

**Энг яхши таклифларни танлаш учун келиб тушган таклифлар:**

1. **BRIGHT GRAPHICS**
2. **GOLDEN STAR ENGINEERING MCHJ**
3. **PROARCH XK**

Йиғилиш қатнашчилари томонидан таклиф этилган тижорат таклифлари кўриб чиқилди ва ўз таклифларини билдирган корхоналар орасидан арзон ва сифатли эканлигини хисобга олиб, **BRIGHT GRAPHICS**нинг тижорат таклифи бир овоздан маъқул топилди. Йиғилиш давомида келиб тушган таклифлар бахолангандан сўнг 2 иш кун мобайнида мухокамада бўлган, мукокама давомида хусусий корхона томонидан хеч қандай эътироз келиб тушмаган.

**Йиғилиш қарори :**

**1**. Ўтказилган энг яхши таклифларни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи BRIGHT GRAPHICS билан шартнома имзолансин хамда хужжатлар тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш электрон ахборот порталига жойлаштирилсин.

**2.** Мазкур йиғилиш баёни шахсий таркибга ўқиб эшиттирилсин.

**3.** Йиғилиш баёнининг нусхаси ижро учун бошкарма МТХга юборилсин.

**Фарғона вилоят ИИБ М ва МТТБ бошлиғи подполковник С.А.Хасанов хузурида «31» 10 2022 йил куни ўтказилган №308 -сонли йиғилиш баённни иштирокчиларга таништириш ҳақида**

**Р Е Е С Т Р**

| т/р | Ходимнинг фамилияси, исми, шарифи. | Ходимни танишганлиги ҳақида имзоси ва санаси. | Изоҳ. |
|---|---|---|---|
| 1. | **Бошқарма МТХ бошлиғи Д.Мадалиев** | | |
| 2. | **Бошқарма МТ ва ХТБ бошлиғи А.Ғоибназаров** | | |
| 3. | **Бошқарма ЭКБ бошлиги У.Халиков** | | |
| 4. | **Бошқарма АТА ва АҲБ бошлиғи И.Кодиров** | | |
| 5. | **Бошқарма КБТХ ТШИГ бош инспектори Ж.Мадаминов** | | |
| 6. | **Бошқарма МТ ва ХТБ КББ командири Р.Исмадиёров** | | |

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 166258 на приобретение Фаргона вилояти ИИБ Тиббиёт булимига карашли Шохимардон согломлаштириш даволаш маскани биносида жорий таъмирлаш ишларига ПСД хужжатини тайёрлатиш

Способ проведения электронный

Дата 27.10.2022

Время рассмотрения 27.10.2022 14:19

Закупочная комиссия Управление внутренних дел Ферганской области, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XASANOV SANJARBEK ABDUBANNOBOVICH | Молиявий таъминот хизмати бошлиги | Фаргона вилояти ИИБ |
| **Секретарь комиссии** | NURITDINOV SARVAR ABRORJONOVICH | Молиявий таъминот хизмати котиби | Фаргона вилояти ИИБ |
| **Член комиссии** | MADALIYEV DONIYOR MIROLIMOVICH | М ва МТТБ бошлиги | Фаргона вилояти ИИБ |
| **Член комиссии** | XALIKOV UMID IBRAGIMOVICH | ЭКБ бошлиги | Фаргона вилояти ИИБ |
| **Член комиссии** | ARAPOV YOQUBJON SHODIMAXAMADOVICH | Курилиш таъмирлаш булинмаси бошлиги | Фаргона вилояти ИИБ |
| **Член комиссии** | MADAMINOV JAXONGIR MANSUROVICH | ИИБ ходими | Фаргона вилояти ИИБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.10.2022 года № лота 166258.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 75.00 / Весовой коэф. ценовой части: 25.00)

Мин. балл: 0

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по проведению экспертизы проектно-сметной документации** |
|---|---|
| Подробное описание | Фаргона вилояти ИИБ Тиббиёт булимига карашли Шохимардон согломлаштириш даволаш маскани биносида жорий таъмирлаш ишларига ПСД хужжатини тайёрлатиш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 36 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 36 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг бажарган ишлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат буюртмачилари ҳамда қурилиш ва реконструкция объектларида лойиҳа ишларини бажариш бўйича лойихаларни экспертиза хулосаларини илова қилиш шартлигини белгилаш.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **GOLDEN STAR ENGINEERING MCHJ** | 10 | бор | 5 | Экспертная | | |
| **PROARCH XK** | 10 | 35400000 | 7 | Экспертная | | |
| **BRIGHT GRAPHICS** | 10 | бор | 9 | Экспертная | | |

Критерий №2 Лойихаланаётган бино-иншоотларни ташқи кўриниши (фасад) 3D ва ички куриниши (интерьер) тақдим этилиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойихаланаётган бино-иншоотларни ташқи кўриниши (фасад) 3D ва ички куриниши (интерьер) тақдим этилиши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **GOLDEN STAR ENGINEERING MCHJ** | 10 | бор | 6 | Экспертная | | |
| **PROARCH XK** | 10 | 35400000 | 7 | Экспертная | | |
| **BRIGHT GRAPHICS** | 10 | бор | 8 | Экспертная | | |

Критерий №3 Банк айланма пул хисоботи ва солиқ дан маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк айланма пул хисоботи ва солиқ инспекциясидан картатекаси мажбуриятлари йуқлиги туғрисида маълумотларини илова қилиш шартлигини белгилаш

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **GOLDEN STAR ENGINEERING MCHJ** | 10 | бор | 7 | Экспертная | | |
| **PROARCH XK** | 10 | 35400000 | 5 | Экспертная | | |
| **BRIGHT GRAPHICS** | 10 | бор | 8 | Экспертная | | |

Критерий №4 Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий ахборотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Ушбу талабга илова тариқасида лойиҳа ташкилоти ходимларнинг етарли малакага эга эканлиги, шунингдек, ташкилотда доимий ишловчи ходимларнинг сони тўғрисида маълумот (электронт Мехнат дафтарчаси)тақдим қилиш шартлигини белгилаш

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **GOLDEN STAR ENGINEERING MCHJ** | 10 | бор | 6 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **PROARCH XK** | 10 | 35400000 | 6 | Экспертная | | |
| **BRIGHT GRAPHICS** | 10 | бор | 7 | Экспертная | | |

Критерий №5 Нуксон далолатнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойихаланаётган объектни жойига чикиб ўрганиб нуксон далолатномаси (Дефектний акт) буюртмачи билан тасдиқланган холда илова қилиниши шарт.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **GOLDEN STAR ENGINEERING MCHJ** | 10 | бор | 6 | Экспертная | | |
| **PROARCH XK** | 10 | 35400000 | 6 | Экспертная | | |
| **BRIGHT GRAPHICS** | 10 | бор | 8 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **BRIGHT GRAPHICS** | 36 000 000.00 | 34 900 000.00 UZS | 34 900 000.00 | 00.00 | 34 900 000.00 | 26.10.2022 17:38:35 | 25 |
| **GOLDEN STAR ENGINEERING MCHJ** | 36 000 000.00 | 35 700 000.00 UZS | 35 700 000.00 | 00.00 | 35 700 000.00 | 25.10.2022 11:55:05 | 24.43978 |
| **PROARCH XK** | 36 000 000.00 | 35 400 000.00 UZS | 35 400 000.00 | 00.00 | 35 400 000.00 | 25.10.2022 16:23:15 | 24.64689 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **BRIGHT GRAPHICS** | 60 | 25 | 85 |
| **GOLDEN STAR ENGINEERING MCHJ** | 45 | 24.43978 | 69.43978 |
| **PROARCH XK** | 46.5 | 24.64689 | 71.14689 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 166258 от 27.10.2022 года на приобретение Фаргона вилояти ИИБ Тиббиёт булимига карашли Шохимардон согломлаштириш даволаш маскани биносида жорий таъмирлаш ишларига ПСД хужжатини тайёрлатиш определила победителем:

BRIGHT GRAPHICS
303727397

и резервный исполнитель: PROARCH XK (309059568)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XASANOV SANJARBEK ABDUBANNOBOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MADALIYEV DONIYOR MIROLIMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XALIKOV UMID IBRAGIMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ARAPOV YOQUBJON SHODIMAXAMADOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MADAMINOV JAXONGIR MANSUROVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП